ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

52 (758)

# Mahalla

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри | 2010 йил 30 декабрь. Пайшанба | 1996 йилдан чиқа бошлаган | ISSN 2010-7013

Байрам шукуҳи

## ШОДИЁНАДАН ХУШНУД БЎЛАР КЎНГИЛЛАР



Ўзига хос улуғворлик касб этган Мустақиллик майдони ҳар биримиз учун азиз ва қадрлидир. Истиқлол йилларида эришилган муваффақиятлар, қўлга киритилган ютуқлар, амалга оширилган кенг қамровли бунёдкорлик ишларини ана шу муаззам майдон мисолида кўришимиз мумкин. Янги йил байрамининг асосий кўркам арчаси ҳам, анъанага кўра Мустақиллик майдонида қад ростлади. Бўйи 27 метр бўлган ушбу арча 500 турдан ортиқ ўйинчоқлар, кўзни қувнатувчи ранг-баранг чироқлар билан безатилди.

Айтиш жоизки, байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш учун пойтахт аҳолиси ва меҳмонларга барча қулайликлар яратилган. Хусусан, совғалар ярмаркасидан тортиб, кичкинтойларимизнинг қалбига ҳақиқий байрам шукуҳини ҳадя этувчи кўплаб ўйин майдончалари, болалар шаҳарчалари барпо этилган. Қатор аттракционлар жажжи болажонларга севинч бағишлаяпти.

Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эзгу амаллар ифодасидир. Арчанинг байрамона тароватi, бу ердаги кўнгилочар тадбирлар барчага хушкайфият бахш этиш билан бирга, ким билан суҳбатлашманг, аввало, фаровон турмуш, юртимизда ҳукм сураётган осойишталикка шукрона келтириб, хайр-саховат, меҳр-оқибат ва бунёдкорлик каби эзгу ишлардан сўз очади.

— Фарзандларим билан бирга янги йил томошаларини кузатяпману қалбимда севинч, шукроналик, бахтиёрлик ҳисси жўш урмоқда, — дейди Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани «Наврўз» маҳалласида яшовчи Ширин Полвонова. — Болаларим байрам томошаларидан қанчалик ҳузурланишаётган бўлса, кундан кунга гўзаллашаётган азим пойтахтимиз қиёфаси мени шунча мафтун қилмоқда. Айниқса, кириб келаётган йил Юртбошимиз томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили», деб эълон қилиниши мен каби тадбиркорларга қўшалоқ байрам завқини улашди. Жорий йилда «Аср Зафарбек» тикувчилик ишлаб чиқариш корхонамизни янада кенгайтириб, маҳсулот ҳажмининг ортишига, қўшимча иш ўринлари яратишга эришган бўлсак, янги йилда қишлоғимиз кўркига кўрк қўшадиган маиший хизмат кўрсатиш уйи барпо этишни ният қилиб турибмиз. Зеро, Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг эътиборлари, ғамхўрликлари боис ўйланган ҳар бир эзгу ниятнинг амалга ошишига шубҳа йўқ.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

## БЕҒУБОР ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧИ

**Мамлакатимиз бўйлаб болаларнинг қувонч ва шодлик байрами – анъанавий «Президент арчаси» тантаналари бошланди**

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ушбу тантаналарнинг дастлабки тадбирлари бўлиб ўтди. “Sen Yolg`iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирга юртимиздаги барча Меҳрибонлик уйи ва махсус мактабларнинг тарбияланувчилари, серфарзанд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари таклиф этилди.

Мамлакатимизда миллати, жисмоний ва ижтимоий аҳволидан қатъи назар, барча ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш, уларнинг пухта таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз истеъдодини намоён этиши учун зарур шарт-шароитни яратиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг устувор йўналишини ташкил этади. Бу борада қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар, давлат дастурлари ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётир.

Якунига етаётган Баркамол авлод йилида бу йўналишдаги ишлар кўлами ҳар қачонгидан кенгайди. Таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактабларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, фаолиятини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ташкил этиш, тарбиячи-педагоглар меҳнатини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

Фармон ва ижро

## БОҒ ВА ТОКЗОРЛАР КЎПАЯДИ

Китоб тумани мева-сабзавот ва узумчилик соҳалари бўйича нафақат Қашқадарё вилоятида, балки мамлакатимизда ҳам етакчи ўрин тутади. Бу заминнинг боғбону соҳибкорлари тадбиркорлиги билан ажралиб туради.

Шу боис бозорлари ҳамиша тўкин. Узумчилик ва боғдорчилик борасида ўзига хос тажриба мактаби яратган китобликлар жорий йилда салмоқли натижаларга эришди: 35500 тонна сабзавот, 26500 тонна картошка, 22600 тонна узум, 7500 тонна мева, 6200 тонна полиз маҳсулотлари етиштирилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 9 январда қабул қилинган “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ янги боғ ва токзорлар барпо этиш, маҳсулот ҳажмини янада ошириш, қайта ишлаш корхоналари сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2011 йилда туманда 582 гектар боғ ва 585 гектар токзор барпо этиш мўлжалланган.

Янги боғ ва токзорлар барпо этишга бағишлаб ўтказилган кўргазмали семинарда туман соҳибкор ва боғбонларининг юқоридаги ютуқлари ҳамда келгусидаги вазифалар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Семинарда шаҳар ва туманлар ҳокимлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ходимлари, фермерлар, тадбиркорлар ҳамда бошқа тегишли корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ > [3]



Республикамиз маҳаллаларида

## ЎН САККИЗ ТЎЙ, ЎН САККИЗ НИҲОЛ



Янги йил арафасида Андижонда вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган 18 жуфт йигит-қизнинг никоҳ тўйлари ўтказилди.

Бу янгича, дабдабаларсиз ўтган намунали тўй «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Келин-куёвларга тўй либослари жамғарманинг вилоят бўлими томонидан совға қилинди.

Ёш келин-куёвлар Бобур номидаги майдонда шоирнинг маҳобатли ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Сўнгра улар шаҳар четида ташкил этилаётган «Ёшлар боғи»га мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқаздилар. «Ёшлар маркази» ўзининг тантаналар саройини шу куни янги турмуш қураётганлар ихтиёрига топширди. Ҳомийлар ажойиб базм дастурхони тузашди.

Ёшларга тантанали равишда никоҳ гувоҳномалари топширилди.

Уларга жамғарма вилоят бўлими бошқарувининг совғалари — телевизорлар тақдим этилди.

**У.САКСОНБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири**

## МЕҲРИБОНЛИК УЙИГА СОВҒА

«Маҳалла» жамғармаси Жиззах вилоят бўлими аҳолининг кам таъминланган қатлами, ёрдамга муҳтож болаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдек хайрли ишни йил давомида мунтазам амалга ошириб келди.

Ушбу мақсад учун бўлим томонидан қарийб 138 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Янги 2010 йил арафасида жамғарма томонидан яна бир ёдда қоладиган мурувват тадбири ўтказилди. Бўстон шаҳарчасидаги 1-сонли кар ва соқов болалар мактаб-интернатининг 156 нафар, 2-сонли вилоят заиф эшитувчилар мактаб-интернатининг 70 нафар ўқувчисига 226 тўплам махсус кийим-кечак байрам совғаси сифатида тортиқ қилинди.

Юқоридаги каби тадбирлар вилоятнинг шаҳар ва туманларида ҳам ўтказилмоқда. Жиззах шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»да бўлиб ўтган байрам кечасида бу ерда тарбияланаётган болаларга шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлинмаси ҳамда ҳомийларнинг совғалари топширилди.

**Абдували ҚАРШИЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

## МУРУВВАТДАН ТИКЛАНГ КОШОНА

Қашқадарё вилояти Китоб туманининг Собир Раҳимов номидаги маҳалласида янги гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

БМТнинг «Иқтисодий ривожлантириш дастури» кўмаги ва маҳалланинг саховатпеша кишиларининг ҳиммати билан бунёд этилган мазкур гузар маҳалла аҳли учун янги йил совғаси бўлди. Замонавийлик билан шарқона услуб уйғунлашган гузарда барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

— Шу пайтгача эски, мослаштирилган бинода фаолият юритиб келаётган эдик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд Султонов. — Янги маҳалла гузарида аҳолига қулайлик, фаолиятимизни намунали ташкил этиш учун имкониятлар яратилгани билан бирга бино маҳалламизга кўрк ва файз бағишлади.

Айни пайтда гузар атрофида ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Келгусида гузарга қўшимча бинолар қуриб, янги хизмат турлари ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Ғузор тумани ҳокимлиги Маънавият ва маърифат кенгаши, туман Хотин-қизлар қўмитаси, «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир «Мурувватдан тикланг кошона», деб номланди.

— Маҳалламизда 2150 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳасан Қаҳҳоров. — Юқоридаги тадбир доирасида маҳалламиздаги кам таъминланган бешта оила фарзандларининг суннат тўйларини ҳам ўтказдик. Бу ишда бизга ҳомийлар яқиндан кўмаклашдилар.

Тадбир сўнгида тўйболаларга совғалар ҳам топширилди.

**Санобар БОЙМУРОДОВА,**
**«Mahalla» мухбири.**

Ҳафта мавзуси

## ЖАМҒАРМА РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИДА

«Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқарувининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2010 йил 20 декабрдаги хатига биноан, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислигида жорий йилнинг 22 декабрида ўтказилган селектор йиғилишида кун тартибига қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар белгиланиб, юртимиз фуқароларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига кенг жалб этиш, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига 20 туп дарахт — менинг тухфам” шиори остида мурожаатнома қабул қилиш, уни барча фуқаролар йиғинларига етказиш қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрдаги “Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011—2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижро учун қабул қилинди. Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фуқаролар йиғинларига яқиндан кўмаклашиш юзасидан чора-тадбирлар режаси белгиланди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

## ТАЪСИРЧАН МАЪНАВИЙ ТАРҒИБОТ

биз эришаётган ютуқларнинг омилига айланмоқда

ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИ > [4]

# ПЛАСТИК КАРТОЧКА — ЗАМОНАВИЙ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда банк-молия соҳасининг барқарор ва ишончли фаолият юритишини таъминлашга қаратилган қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар бугун тизим иқтисодий тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этяпти. Бу, ўз навбатида, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молия ташкилотларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаётир.**

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз тўлов тизимининг ривожланишида банк пластик карточкаларининг аҳамияти жуда муҳимдир. Чунки пластик карточкалар, биринчидан, аҳолига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида тўлаш имкониятини берса, иккинчидан, аҳоли томонидан коммунал тўловлар бўйича қарздорликларни, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда харид қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни ўз вақтида ва тезкор амалга ошириш имкониятини яратади. Хорижий мамлакатлар ва республикамизда кейинги йилларда тўпланган тажрибалар шундан далолат бермоқда.

Пластик карточкалар тизимини ривожлантиришда ва кенгайтиришда давлат акциядорлик тижорат "Асака" банки фаол иш олиб бормоқда. Мазкур банк 1999 йилнинг май ойидан бошлаб ўз сўм пластик карточкаларини муомалага чиқара бошлаган эди. Бугунги кунда пластик карточкаларнинг икки хил тури — дебет ва кредит карточкалари муомалага чиқарилган бўлиб, карточка орқали хизмат кўрсатиш аҳолининг ҳақиқий эътирофига сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 445-сонли қарори чиққандан сўнг, мамлакатимизда пластик карточкалар тизимини ривожлантириш янада авж олди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида "Асака" банкда пластик карточкалар тизимини ривожлантириш бўйича ишчи комиссияси тузилди. Ҳозир ушбу комиссия томонидан тегишли ишлар олиб борилмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида республикамиз вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 6216 та ташкилот ва корхонада ойлик иш ҳақларини пластик карточкалар орқали бериш тизими йўлга қўйилди, филиалларнинг жамғарма кассаларида ва барча минибанкларида 154 та коммунал тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш имконини берадиган терминаллар ўрнатилди.

### "Асака" банк тизимида пластик карточкалари, савдо терминаллари ва ўтказилган амалиётлар бўйича маълумот

| | Карточкалар сони (дона) | Ўрнатилган терминаллар сони (дона) | Банкда терминал ва банкоматлар орқали ўтказилган амалиётлар миқдори (млрд.сўмда) |
|---|---|---|---|
| 2007 йил | 224729 | 2130 | 77,6 |
| 2008 йил | 332531 | 2712 | 162,1 |
| 2009 йил | 465511 | 4650 | 307,7 |
| 01.12. 2010 йил | 626671 | 5380 | 446,3 |

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, "Асака" банк тизимида 2007 — 2010 йиллар давомида пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз тўловлар айланмаси **993,7** млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2010 йилнинг 11 ойида бу кўрсаткич **446,3** млрд. сўмга етди. "Асака" банк томонидан ҳозирги пайтгача **626** мингтадан ортиқ пластик карточка муомалага чиқарилди ва пластик карточкаларга хизмат кўрсатадиган **5380** тадан зиёд терминал банк ғазналарига, жамғарма ва коммунал тўловлар қабул қилувчи шохобчаларга, савдо ва хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларга ўрнатилди.

Шунингдек, ойлик иш ҳақи тўловларини пластик карточка орқали амалга оширадиган корхона ва ташкилотларнинг сони ошиб бормоқда. Ҳозирда бундай корхона ва ташкилотлар сони **6216** тага етказилиб, 2010 йилнинг 11 ойида **743** тага кўпайди.




Ҳозирги кунда пластик карточка эгаларига сифатли хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш мақсадида Республикамиз бўйича банкнинг 26 та филиалида коммунал, уяли алоқа ва бошқа хил тўловларни қабул қилувчи **35** та инфокиоск ва **35** та банкомат ўрнатилган. Бу каби қулайликлардан республикамизнинг чекка-чеккаларида истиқомат қилувчи аҳоли ҳам мамнун бўлиб, уларнинг молия муассасаларига ишончи ортиб бормоқда.







Бугунги кунда банк томонидан савдо сервис тармоқларида товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш тизими жорий этилди ва бундай корхоналар сони **5109** тани ташкил этмоқда.

Ўзбекистоннинг йирик банклари қаторида "Асака" банк томонидан сўм пластик карточкалар ривожлантирилиши билан бир қаторда, халқаро пластик карточкалар орқали ҳам хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Халқаро карточкалар тизимининг жорий этилиши халқаро муносабатларда, халқаро савдо, туризм ва бошқа йўналишларда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизга ташриф буюраётган чет эллик меҳмонларга пластик карточкалар орқали харид ёки кўрсатилган хизмат учун пул тўловларини амалга ошириш имконияти яратилган. Халқаро пластик карточкалар орқали, биринчидан, мамлакатимизга келган меҳмонларга жаҳон андозаларига мос равишда молиявий хизмат кўрсатилса, иккинчидан, мамлакатимизга хорижий валюта кириб келишининг ошишига кўмак берилади.

### "Асака" банк томонидан халқаро пластик карточкаларни муомалага чиқариш бўйича маълумот

"MasterCard" халқаро пластик карточка орқали хизмат кўрсатиш 26 та филиалда жорий этилди. Бундан ташқари республикамиздаги хорижий меҳмонларга хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида 120 та "MasterCard" халқаро пластик карточкаларига хизмат кўрсатувчи тўлов терминаллари ўрнатилган. 2009 йилда **81554** та халқаро пластик карточка орқали хизмат кўрсатилган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони **121685** тага етди.

| | Карточкалар сони (дона) | Савдо терминал ва банкоматлар орқали ўтказилган амалиётлар миқдори (минг АҚШ долл.) |
|---|---|---|
| 2007 йил | 2713 | 21,9 |
| 2008 йил | 25045 | 274,7 |
| 2009 йил | 81554 | 381,7 |
| 01.12. 2010 йил | 121685 | 306,5 |

Пластик карточкалар тизимининг барқарор ва мукаммал ривожланиши учун мамлакатда сервис тармоғи, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари томонидан узлуксиз равишда пластик карточка эгаларига харид қилиш ёки кўрсатилган хизматлар учун карточка орқали тўловлар қабул қилишда чекловлар бўлмаслиги лозим. Мазкур тизимларнинг ривожланиши учун ҳукуматимиз, Марказий банк, Банклар уюшмаси томонидан яхши шароитлар яратиб берилмоқда ва шу билан бир қаторда, меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши пластик карточка тизими ривожланишига бўлган ишончни оширмоқда. Пластик карточкалар тизимининг янада ривожланиши омилларидан биринчиси, аҳоли томонидан пластик карточкаларни жаҳонда тан олинган тўлов воситаси эканлигига тушуниб етаётганлиги бўлса, иккинчиси, банкдан ташқари пул маблағларининг айланиши қисқаришига ва бу ўз ўрнида мамлакат иқтисодининг янада ривожланишига ҳисса қўшмоқда.

Пластик карточкалар тизимини ривожлантириш Давлатимиз иқтисоди учун жуда катта наф келтиради, пул-кредит муносабатларида нақд пул муомаласи тартибга солинади ва муомаладаги нақд пул миқдори қисқаради. Аҳолининг бўш пул маблағлари омонатларга жалб этилиб мамлакат иқтисодиёти ривожланишига ижобий таъсир ўтказади. Пул банкнотларини муомалага чиқаришда кетадиган умумдавлат харажатлари камаяди. Бундан ташқари корхоналар ва ташкилотлар ҳамда аҳоли ўртасидаги ҳисоб-китоблар тезлашади. Давлат акциядорлик тижорат "Асака" банки келгусида ҳам бу тизимнинг ривожланиши йўлида фаол иштирок этади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз иқтисодининг қон томири ҳисобланган банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқимиз фаровонлиги, юртимиз ободлиги йўлида хизмат қиляпти. «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори остида фаолият юритаётган юртимиздаги етакчи банклардан бири Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки жамоаси мижозларга тезкор ва ишончли хизмат кўрсатиш мақсадида эришилган ютуқларни янада мустаҳкамламоқда.

Жорий йилни муваффақиятли якунлаётган банк жамоаси Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам юртимиз гуллаб-яшнаши, халқимиз дастурхони тўкин-сочин бўлиши йўлида улкан меҳнат зафарларига эришишига ишонамиз. Зеро, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни банклар ёрдамисиз амалга оширишни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

(t)

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» банки (ОАЖ) жамоаси

**Сизларни кириб келаётган Янги 2011 йил билан чин қалбдан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.**

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ**

**"ДАРОМАДЛИ-1"**

*Сақланиш муддати — 1 йил.*
*Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилганда берилади.*

**«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.**



**БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ**

**"ЯНГИ ЙИЛ-2011" АҚШ долларида**

*Сақланиш муддати–13 ой.*
*Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилганда берилади.*

Мурожаат учун: «АСАКА» банки (ОАЖ) филиаллари
телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1. Тошкент шаҳри филиали (371) 120-83-13
2. «Автотранспорт» филиали (371) 120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали (371) 140-39-36
4. Юнусобод филиали (371) 225-16-46
5. Сирғали филиали (371) 258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали (371) 120-84-13
7. Андижон вилояти филиали (374) 224-40-96
8. Асака филиали (374) 233-13-69
9. «Фарҳод» филиали (374) 229-97-53
10. Фарғона вилояти филиали (373) 224-70-83
11. Марғилон филиали (373) 237-12-37
12. Олтиариқ филиали (373) 432-10-11
13. Қўқон филиали (373) 552-61-04
14. Наманган вилояти филиали (369) 226-94-75
15. Навоий вилояти филиали (436) 223-54-32
16. Зарафшон филиали (436) 573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали (365) 223-71-94
18. Бухоро шаҳри филиали (365) 770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали (366) 231-08-86
20. «Афросиёб» филиали (366) 234-17-96
21. Қашқадарё вилояти филиали (375) 221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали (376) 770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали (361) 223-72-47
24. Хоразм вилояти филиали (362) 226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали (367) 225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали (372) 226-43-11



**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Хизматлар лицензияланган.

